

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 130 (11.441)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Кўш байрам — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган азим пойтахтимизнинг 2200 йиллик қутлуг тўйига шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида қизгин тайёргарлик кетмоқда.



Сергели тумани



ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ!

Жумладан, Сергели туманида ҳам бу борада режали ишлар амалга оширилаётган бўлиб, жорий йилда 3000 дона игна баргли дарахтлар, 2500 дона япон сафораси, 3000 дона каштан дарахти, 1700 дона мевали, 900 дона бута кўчатлари, 12500 дона атиргул ва 190000 дона бир йиллик гул кўчатлари экилди. Туман ҳудудидоги 109 минг дона ҳар хил турдаги дарахтларнинг 14300 тасига шакл берилиб оқланди ва бу иш ани кунларда ҳам давом этмоқда. Юбилей муносабати билан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилишини эътиборга олиб Президентимизнинг 2009 йил 22 январдаги Қарорига асосан туман ободонлаштириш бошқармасига 320 та кўшимча ишчи ўринлари ажратилган бўлиб бугунги кунда 349 нафар ишчи-ходим самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, тумандаги 109 та қурилиши тугалланмаган объектлардан 58 таси қуриб битказилди, 69 тасида ишлар олиб борилмоқда, 300 та фасадлари таъмирталаб объектлар аниқланиб, 135 таси таъмирдан чиқарилди ва қолганларида ишлар олиб борилмоқда. Яқна тартибдаги 7605 та уйлاردан 1847 тасининг ташқи фасад қисми

таъмирталаб бўлганлиги боис режа асосида таъмирлаш юмушлари давом этмоқда. Томларни капитал таъмирлаш бўйича йиллик режа 145 та уйда 68,9 минг кубометр, жорий таъмирлаш бўйича 460 та уйда 103,4 минг квадрат метр бўлиб, бу ишлар ҳам тўлиқ амалга оширилиши йўлида қизгин ишлар кетмоқда. 198 та уйнинг кириш йўлаклари таъмирдан чиқарилди, 52 та уйнинг фасади жорий таъмирланди, 201 та болалар майдончалари таъмирланиб 3 та янги болалар майдончалари қуриб битказилди. Тумандаги 47,6 минг километрлик ирригация тармоқлари доимий равишда тозаланиб, жорий йилда 143 километрлик ирригация тармоғи таъмирланди.

Эътиборлиси, тумандаги маҳаллаларда истикомат қилувчи ёш оилаларни турар жой билан таъминлаш бўйича «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда уй-жойга муҳтож ва тўловга қобилиятли ёш оилаларни аниқлаш, уларга имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш бўйича комиссияга тушган 46 та аризини ўрганиб, шундан 27 тасига тавсиянома берилди. Унга кўра Ипотека банкига мурожаат этган 11 та оиладан 2

та ёш оилаларга 59,6 миллион сўм 5 фоизли кредит, бундан ташқари, 12 та ёш оиллага 281,6 миллион сўм 14 фоизли ипотека кредитлари ажратилди. Истеъмом кредити бўйича 7 та ёш оиллага 18,9 миллион сўм 14 фоизли кредит берилди. Ёш оилаларга умумий ажратилган кредит суммаси 380,1 миллион сўмни ташкил қилди. Бундан ташқари, туманда ёш оилалар учун ҳар бири 32 хонадондан иборат бўлган турар жой биносининг қурилиш ишлари жадаллик билан кетаётган бўлиб, унинг фойдаланишга топширилиш вақти аниқ улуг айём кунлари — сентябрь ойига мўлжалланган.

Бир сўз билан айтганда, ўз туманининг порлоқ истиқболли, энг сўлим ва покиза ҳудудлардан бирига айланиши йўлида жон куйдираётган Сергели тумани аҳолиси қутлуг тўйга муносиб совғалар билан чиқишни ният қилиб кўйишган. Биз уларга «Бунёдкорлик, яратиш ва яшнатиш ишларида ҳорманг, толманг, Сергели туманининг жонқуяр инсонлари» деб қоламиз.

(Сергели туманига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 2-сифасида танишасиз)

КЎҲНА КЕНТНИНГ ЯНГИ ЙЎЛЛАРИ

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб қаршилаш, унинг кўрқига кўрк, гўзаллигига гўзаллик қўшиш борасида кенг кўламда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Аслида мустақилликнинг дастлабки йиллариданок бош шаҳримиз инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, ўнлаб замонавий бинолар қад ростлади. Ўзида ҳам замонавий, ҳам миллий меъморчилик анъаналарини акс эттирган мустақиллик иншоотлари пойтахт кўрқига кўрк қўшди. Қурилган янги йўللар ва кўприклар шаҳар кўчаларида автомобиллар ҳаракатини тартибга солиш учун хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан бу борадаги юмушлар салмоғи янада ошди.

Юбилейга муносиб ҳозирлик кўраётган ташкилот ва корхоналар ичида «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг саъй-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Уюшма жамоаси доимо изланишда, — дейди уюшма раисининг ўринбосари Шўҳрат Ибодуллоев. — Зеро, икки ярим миллионлик аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишнинг ўзи бўлмайди. Кейинги йилларда хориж тажрибасидан унумли фойдаланиш орқали жамоат транспортда кенг кўламли ишларни амалга ошириб келяпмиз. Қолаверса, мамлакатимизнинг ички имкониятларидан унумли фойдаланишга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, 2007-2008 йиллар ва 2009 йилнинг ўтган даврида Самарқанд автомобиль ишлаб чиқариш заводида Япониянинг технологияси асосида ишлаб чиқарилган «Исузу» русумли 556 та автобус харид қилиниб йўналишларга чиқарилди. Бу ихчам ва тезкор автобуслар шаҳар транспорт хизматида ижобий янгилик бўлди десак, муболага бўлмайди. Шунингдек, ўтган йилларда «71-619 КТ» русумли 30 та трамвай вагонлари харид қилинди ва «Тошэлектротранс» ДК таркибига кирувчи деполар томонидан тасарруф этилмоқда.

2008 йилда «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумли 200 та автобуслар харид қилиниб, 10 та автобус корхоналари томонидан шаҳар йўналишларига чиқарилган бўлса, бу замонавий автобусларнинг яна 200 таси жорий йилнинг июнь-сентябрь ойларида Тошкент шаҳрига келтирилиб, йўналишларга қўйилиши кутилмоқда.

Пойтахт юбилейини муносиб қаршилаш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда кўшимча қулайликлар яратиш учун уюшмада қатъий режа асосида иш олиб борилмоқда. Жумладан, транспорт корхоналарининг маъмурий, ишлаб чиқариш, ёрданчи ва маиший бинолари, ҳудуди, автошоҳбехатлар ва нозимхоналарда ўтган йилнинг апрелидан бошлаб капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Уюшма таркибидоги Транспорт хизматлари сифатини назорат этиш бошқармаси томонидан ҳаракат воситалари — автобуслар, микроавтобуслар, трамвай вагонлари, троллейбуслар ва метро вагонлари ҳамда махсус автобусларнинг техник соғлиғи, ички, ташқи кўриниши ва санитар ҳолати ҳар ҳафта текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилмоқда. Бу ўз навбатида йўналишга чиққан транспорт воситаларининг техник носозлик боис корхонага қайтишининг олдини олмақда.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва чиптачилар ҳамда бошқа йўл ходимларининг аҳолидан ажраллиб туриши қўллаб нуқулликлар ва тушунмовчиликларга чек қўйиши табиий. Шу сабаб, автобус, трамвай, троллейбус ҳайдовчилари ва чиптачилар махсус кийимлар билан таъминланди. Транспорт воситалари салонларида ўрнатилган йўналишлар чизмалари ва йўловчи ташиш транспортларидан фойдаланиш қонунқондалари янгиланди.

Бундан ташқари, уюшма транспорт кутаётган аҳолига қулайлик яратиш борасида ҳам тинимсиз изланишда. Шаҳардаги серкатнов кўчалардаги шоҳбехатлар қайта таъмирланиб, файзли ва шинам масканга айлантирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, уюшма жамоаси мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб қутиб олиш борасида қизгин меҳнат қилмоқда. Унинг самараси эса пойтахт жамоат транспортининг кундан-кун ривожланаётганида кўзга ташланмоқда.

Гулрух ЭРГАШЕВА,
«Туркистон-пресс»

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида кеча Наманган вилоятида бўлди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги Академияси ва БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда «Парламент сайловлари: халқаро тажриба ва миллий амалиёт (БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» ва «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция асосида)» мавзусида конференция ўтказилди.

● Қашқадарё вилояти галлакорлари қабул пунктларига 372 минг тоннадан зиёд галла етказиб бериб, шартнома мажбуриятини ортиги билан бажардилар. Яратилган хирмонга Косон, Нишон, Муборак, Касби, Миришкор, Қарши, Фузур, Китоб туманлари галлакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

● Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида соянинг янги нави яратилди. «Парвоз» деб номланган ушбу нав кечпишар бўлса-да, серҳосиллиги, жаҳон бозорлари талабига тўла жавоб бериши билан ажралиб туради.

● «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Тошкент филиали саъй-ҳаракати билан Бекобод ва Олмалик шаҳарларида касаначилик асосидаги хизмат тури йўлга қўйилди. Яъни, ушбу шохбчаларда почта хизматлари қаторида коммунал тўловларни қабул қилиш, мобиль алоқа тўлов карталарини харид қилиш каби қулайликлар ҳам муҳайё этилмоқда.

● Жорий йилда Хоразм вилоятида деҳқон ва буюм бозорларидан тўрттасини капитал таъмирлаш, шунчасини янгидан барпо этиш режалаштирилган эди. Яқинда Гурлан ва Шовот туманлари марказларида янги деҳқон бозорлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуаларнинг ҳар бирига 770 миллион сўмдан ортик маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

● Ироқ ҳукумати «Бритиш Петролеум» (Буюк Британия) ва «Чайна Нейшнл петролеум корпорейшн» (Хитой) компаниялари билан нефтни қайта ишлаш бўйича битим имзолади. Битимга кўра, мазкур компаниялар мамлакат жанубидаги нефть конларига фаолият кўрсатади. Келишув 20 йил мuddатга тузилган.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус комиссияси Покистоннинг собиқ Бош вазири Беназир Бхутто ўлими юзасидан тергов ишларини бошлади. Тергов жараёнларига ярим йилдан зиёд вақт кетиши кўзда тутилмоқда ва бу мuddат мобайнида комиссия аъзолари Бхуттога нима сабабдан суиқасд қилингани ва унинг ортида қандай қучлар турганини аниқлайдилар.

● Кеча БМТ Хафсизлик Кенгаши томонидан тақиқловлар ва белгиланган санкцияларга қарамай КХДР Ер-кема тоифасидаги яқин масофага парвоз қилувчи яна тўртта ракетани учирди. Бу жаҳон ҳамжамиятининг кескин норозилигига сабаб бўлмоқда.

● Кеча Францияда 1 июнда ҳалокатга учраган «Air France» авиакомпаниясига тегишли бўлган аэробус фожиясининг дастлабки сабаблари баён этилди. Океандаги кема парчаларининг ўрганилиши натижасида самолёт ҳавода эмас, балки сув юзасига урилганидан сўнг портлаганлиги аниқланди. Ҳали «қора қути» топилмаганлиги сабабли ҳалокатга айнан нима сабаб бўлганлиги номаълумлигича қолмоқда. Уни излаш ишлари 14 июлга қадар давом эттирилади.

● Иордания қироли Абдалла II ўзининг 15 ёшли ўғли Хусейнни янги тахт вориси сифатида эълон қилди.

● Буюк Британия Қироллик зарбхонаси ўтган 300 йил ичида илк бор 200 минг дона 20 пейслик қийматдаги танга пулларни чиқаришда хатога йўл қўйган. Гап шундаки, тангалар дизайнини ўзгартириш чоғида уларнинг саналарини ёзиш унутилган. Ушбу камчилик пуллар муомалага киритилганидан сўнг пайқаб қолинган. Шундай бўлса-да, Қироллик зарбхонаси хато босилган тангалар муомаладан қайтарилмаслигини билдирган.

● Францияда янги ўқув йилидан бошлаб ўрта мактаблар ўқув дастурига компьютер ўйинлари тарихи ва тараққиётига бағишланган махсус курс киритилдиган бўлди.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ШАҲРИМИЗДА** маҳаллий ва хорижлик шифокорлар иштирокида ўтказилган халқаро форум онкологик хасталикларни даволашнинг самарали усулларига бағишланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясида мутахассислар иштирокида ўтказилган тадбирда «Прага — Тошкент — Прага» йўналишида янги самолёт қатнови йўлга қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги 204-мактаб қошида ташкил этилган «Кўёшча» ёзи болалар оромгоҳида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури «Рақслар жиҳоси» деб номланди.


✓ **КЕЧА** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси «Аёллар қаноти», Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ўтказилган семинар-тренингда сайловлар жараёнида аёлларнинг сиёсий фаолигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Сергели тумани



ТИНЧИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ
2200
2009
ТОШКЕНТ

**ЯНАДА ОБОД БЎЛ,
ЖОНАЖОН ШАҲРИМ!**



Кейинги йилларда ўсиб келаётган ёш авлод камолоти, таълим-тарбияси, жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида юртимизда кенг қўламдаги саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Хусусан, жаҳон андозалари даражасида қад ростлаётган умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва замонавий спорт комплекслари айнан келажак ағалари бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишларига хизмат қилмоқда. Сергели туманидаги 300-қобилиятли ва иқтидорли ўқувчилар умумтаълим мактабига мана шундай ҳаёллар билан кириб келганимизда бизнинг мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Нигора Саидхўжаева кутиб олди. Өзюда, ёруғ, шинам синф хоналари, компьютер каби замонавий ускуналар билан жиҳозланган фан кабинетлари, лингафон хоналари, бутун атрофи гул ва кўм-кўк дарахтлар билан яшнаб турган ушбу таълим масканига беихтиёр ҳавас билан боқасиз.

— Математика, физика, химия, биология каби бир қатор фанларга ихтисослаштирилган мактабимизда 2450 нафар ўқувчилар билим сирларини пухта эгаллаш учун тажрибали, ўз касбини севган устоз-ўқитувчилардан сабоқ оладилар, — дейди суҳбатдошимиз. — Өрзу-ниятларимиз, хайрли ишларимиз давомчилари бўлган ёшларнинг жисмонан соғлом, ақлан тетик бўлиб вояга етишлари учун таълим масканимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Уларга 127 нафар устоз-ўқитувчилар меҳр билан билим бериб, илм-фан сирларини мукамал ўргатишга интилиб келмоқдалар. Натжалар ҳам чакки эмас,

ўқувчиларимиз турли фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида қатнашиб юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Ушбу мактаб фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, турли фотостендлар, деворий газеталар, фан кабинетларига қўйилган кўргазмалардан ушбу масканда пойтахтимизнинг 2200 йиллик қулуг шундай

синовдан ўтган ўқувчилар ўқишга қабул қилинади. Бу йил ҳатто 2-синф ўқувчилари ҳам математика, инсон ва жамият фанларидан тест синовлари топширишди. Натижа эса биз кутгандан ҳам зиёда бўлди. Бунинг асосий омили эса ёш авлод камолотига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликда албатта. Мактабимиз ичиде ўзимизнинг кичик академиямиз бор. Унда ўқувчилар, ёш изланувчилар турли фан йўналишлари бўйича илмий иш, иқтидорли болалар, мактаб, фан олимпиадалари иштирокчилари билан ишлаш каби туруҳларда иш олиб борадилар. Улардаги билимга чанқоқлик, зеҳнлилик, ўқиб-ўрганишга бўлган қизиқишни кўриб касбингизга масъулият ошади, бугунги кун талаби даражасида билим беришга интиласиз.

Эътиборлиси, ушбу билим даргоҳида нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчи-мураббийлар ҳам ўз устларида ишлаб, малака оширишга интилиб келадилар.

Бугун улар томонидан яратилган турли ўқув қўлланмалари, буклет ва монографиялар чоп этилиб, ўқувчилар ундан унумли фойдаланиб келмоқдалар. Мактаб ўқитувчиси Марҳаб Курбонова «Йил ўқитувчиси» кўриқ-танловида қатнашиб, шаҳарда биринчи ўринга, Республикада эса совринли ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Ўқувчи ва ўқитувчилар муваффақиятидан руҳланган ҳолда бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса эса ўз-ўзидан аён: қаерда ташаббус, ангилликка интилиш, ўз ишига бўлган масъулият кучли бўлса шундай муваффақият, омад ёр бўлиб натижаси кўнгилни кўтарди, фахр-ифтихорга тўлдиради. 300-қобилиятли ва иқтидорли ўқувчилар мактабидан мана шундай ҳаёллар билан қайтиш.

Таълим дастури — амалда

БАХТЛИ АВЛОД ВАКИЛЛАРИ

муносиб тайёргарлик кўрилатгани, бу борада катта ободонлаштириш, мактаб ҳудудини тоза, покиза ҳолга келтириб гулу чечаклар билан кўркам ҳолга келтириб қўйилгани, шунингдек, «Тошкентнинг ой қизими», «Тошкент — 2200 йида» каби бир қатор кўриқ-танловлар ўтказилаётганидан хабардор бўлдик. — Мактабимизни бу йил 264 нафар ўғил-қиз битириб ўзлари хоҳлаган касб-хунар коллежларига кириб ўқишни давом эттирадилар, — дейди мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Малика Абдуллаева. — Биз доимий равишда уларни ўқиш ёки бирон касб-хунар билан шуғулланаётганларидан хабардор бўлиб тураемиз. Мактабимизда пухта билим олиб кетган ёшларимизнинг келгусида фан ёки спортда эришган муваффақиятлари бизни қувонтиради. Таълим масканимизга асосан Тест маркази вакиллари келиб имтиҳон олганларида

чи-мураббийлар ҳам ўз устларида ишлаб, малака оширишга интилиб келадилар.

Бугун улар томонидан яратилган турли ўқув қўлланмалари, буклет ва монографиялар чоп этилиб, ўқувчилар ундан унумли фойдаланиб келмоқдалар. Мактаб ўқитувчиси Марҳаб Курбонова «Йил ўқитувчиси» кўриқ-танловида қатнашиб, шаҳарда биринчи ўринга, Республикада эса совринли ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Ўқувчи ва ўқитувчилар муваффақиятидан руҳланган ҳолда бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса эса ўз-ўзидан аён: қаерда ташаббус, ангилликка интилиш, ўз ишига бўлган масъулият кучли бўлса шундай муваффақият, омад ёр бўлиб натижаси кўнгилни кўтарди, фахр-ифтихорга тўлдиради. 300-қобилиятли ва иқтидорли ўқувчилар мактабидан мана шундай ҳаёллар билан қайтиш.

Маҳалла

ЭНГ СЎЛИМ ГЎШАГА АЙЛанаДИ

Маълумки, истиқлол туфайли маҳалла тизими ўз нуфузини қайта тиклади. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фаолият юритаётган ушбу тузилманинг кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда.

да ҳаммаёқ кўм-кўк, гуллар қийғос очилган, йўлак ва кўчалар тоза, супуриб-сидирилган, болалар майдончаларидаги батариблик кишида илик кайфият уйғотди. — Маҳалламизда 9.850 нафар турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек бир-бирини ўзаро тушуниб, ёрдамлашиб, қўллаб-қувватлаб яшаб келмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсаной Рўзиназарова. — Улар 55 та кўп қаватли уйда истиқомат қилар эканлар, «Ўз уйингни ўзинг асра» нақлига қатъий амал қилишга интиладилар. Кўча бошлиқлари, уйбоши, йўлакбошилар доимо аҳоли билан яқин

ҳамкорликда иш олиб бориб, ҳашарлар уюштириб ҳудуднинг озодалигини сақлашга ҳаракат қилишга интиладилар. Бу йил ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратилиб 30 мингтадан ортқ мевали ва манзарали дарахт ва гуллар экилди. 317-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда бир қатор тадбир, учрашув ва қизиқарли спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Хотин-қизлар комиссияси раиси Зуфия Ибрагимова, 7 та посбон ва посбонлар сардорли Орифжон Тўхтабоев ҳамда фаоллар билан ўзаро маслаҳатлашиб кам таъминланган, кўп болали, ёрдамга муҳтож оила-

Иқтисодиёт

РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Йилдан йилга чирой очиб, пойтахтнинг энг сўлим гўшалари қаторидан ўрин олишга интилиб келаётган Сергели туманида бугун ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларининг ижроси бўйича ҳар бир соҳада аниқ, режалар ишлар амалга оширилиб юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

Жумладан, туманда sanoat ишлаб чиқаришида 2009 йил 1 чорак давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатлари 100,8 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 149,3 фоизга, савдо айланмаси 193,0 фоизга, пуллик хизматлар 116,7 фоизга, маиший хизматда 109 фоизни ташкил этди.

Тумандаги ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари экспорти 6 миллион 753,2 минг АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,6 фоизга ошди.

Sanoat ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда «Файз» ОАЖ ХК, «Тошиккиламчиранглиметалл» МЧЖ, «Мебель» АЖ ҚК, «Баракат алфа» ҚК, «Рока текстиль» ҚК, «Рамель» текстиль» ҚК каби корхоналарнинг улуши катта бўлди.

Туманда иқтисодий қулай инвестицион муҳитни яратиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳсулотларнинг янги турларини яратиш ва иш ўринларини ташкил этиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банк кредитлари, хорижий инвестициялар, энг аввало тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва шу орқали ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига эришиш мақсадида 2009-2010 йилларга жами — 1,5 миллион евро, 16 миллион АҚШ доллари ва 36 миллиард сўмга тенг бўлган хорижий ва банкларнинг кредитлари ҳисобидан инвестициялар киритилиши режалаштирилган.

Булар: «Ташбрунтинтекс» ҚК томонидан 10 миллион АҚШ долларига тенг бўлган сармоя киритилиб, 2009 йилнинг 4-чорагида корхона ишга туширилади ва 250 та янги иш жой ўринлари яратилади.

«Грин ворд» ҚК томонидан 2009 йил 3 чорак давомида 5 миллион АҚШ доллари ҳисобиде сармоя киритилиб, бунинг эвазига 50 та янги қўшимча иш жойлари очилади.

«Файз текстил груп» ҚК ҳозирги вақтда трикотаж материалларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, 2009-2010 йилларда Sanoat қурилиш банкнинг 1,5 миллион евро кредит маблағи ҳисобига йилга 2 миллион метр мато ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш ва янги 25 та қўшимча иш жойларини яратиш режалаштирилган.

Бундан ташқари туманда Юртбошимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги «2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳақида 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижроси юзасидан 2009 йилнинг 1 чорагига мўлжалланган «хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари» бўйича жами хизматлар 101,2 фоизга ўсиши режалаштирилган бўлиб, амалда 104,5 фоизга бажарилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 2009 йил 1 чораги давомида 327 та янги иш ўринлари яратилди, Бандлик Дастури доирасида эса 2009 йил 1 чораги давомида 1658 та янги иш жойлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 1681 та янги иш ўринлари ташкил этилган.

Касаначилик иш жойларини яратиш 1-чорак давомида 153 та режалаштирилган бўлса, бу кўрсаткич бугун 157 тага етказиб бажарилган.

Жорий йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши ҳамда бу борада қабул қилинган Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам ва меҳр-оқибат каби миллий қадриятларимизга таянган ҳолда Наврўз умумхалқ байрами арафасида туман ҳокимлиги ташаббуси билан 102 нафар оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди ҳамда 579 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жами 14 миллион 756 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

дан мамнун эканликларини билдик.

— Айни кунларда Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва азим Тошкентимизнинг 2200 йиллик тўйини меҳнатда ва ҳаётда катта ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олиш тараддудида бир қатор хайрли ишларга кўл урганмиз. Келгусида замон талаби даражасидаги маҳалла гузарини бунёд этмоқчимиз. Гузар ёнида болалар спорт майдончаси қад кўтарди. Турли хил спорт, хунар ва фан тўғраракли фаолияти йўлга қўйилиб, келажак ағаларининг бўш вақтлари мазмунли ўтишига эришилади.

Биз ҳам «Оила — маҳалла — мактаб» концепцияси асосида самарали иш олиб бориб бир қатор ижобий ютуқларга эришиб келаётган Бобур маҳалласи фуқаролар йиғинининг жонқуяр раисаси, «ободлик — кўнгилдан бошланади» нақлига амал қилиб келаётган маҳалладошларга келгусида барча ўйлаган ниэтлари амалга ошиб, туманнинг энг сўлим ҳудудига айланishi тилак билдириб қоламиз.

Материалларни Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Транспорт

ВАЗИФАГА МАСЪУЛИЯТ

Тошкент метрополитенини биз ер ости қасри деб ҳам таърифлаймиз. Зеро, бу ташкилотнинг ер ости иншоотлари хизмати ўзига хос салоҳиятга эга.

Ушбу хизмат орқали метрополитендаги барча ёқатлар, кириб-чиқиш жойлари, туннеллар, ҳаво туйнуклари сифатли таъмирланмоқда. Ер ости иншоотлари синов станцияси хизмати эса тўла механизациялаштирилди.

Иш унумини ошириш мақсадида мото деполардан фойдаланиш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозир бу ерда 11 та хўжалик поезди ҳам мавжуд. Метрополитенда асосий ҳаракат тўхтагандан сўнг улар ишга тушиб, туннел ва рельслар ҳолатини текшириб чиқади. Айни вақтда вагонларни ювishi юмушлари ҳам адо этилади. Бу борада мутахассислар томонидан бой тажрибалар орттирилган.

ТЕЖАМКОРЛИК ШИОРИ ОСТИДА

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси бошқаруви янги ташаббус билан чиқди.

Бошқарув раисининг буйруғига асосан жорий йилда темир йўл тизимидаги сарф-ҳаражатларни 20 фоиз камайтириш бўйича тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Шуниси эътиборлики, мазкур тадбирлар корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шу муносабат билан Тошкент темир йўл масофавий участкаси, қуюв-механика заводи каби корхоналар ўзларининг режаларини ҳам тайёрлашиб, амалга оширишга киришдилар. Ортиқча чиқим ва сарф-ҳаражатсиз даромад олишга эришиш чоралари ҳам кўрилди.

МАВСУМГА ТАРАДДУД

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси томонидан «Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш» дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу йўриқнома бўйича йўлларни туб таъмир, ўрта таъмир, кўтарма таъмир ҳамда улуксиз рельсларни йўлга ўрнатиш, янги йўлларни бунёд этиш ишлари олиб борилади. Иссиқлик узатиш қувурлари, электр тармоқлари, сув қувурлари таъмирдан чиқарилади.

Бу каби жараёнларни амалга оширишда илғорликни қўлга кiritган жамоалар муносиб тақдирланадилар.

Фан

ЗАМОНАВИЙ ВА ҚУЛАЙ

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари самарали изланишлари натижасида қатор янги технологиялар юзага келди. Сунъий қуёш нурлари билан даволаш технологияси эса энг яхши ихтиро деб рўйхатга олинди.

Мазкур қурилма сунъий қуёш нурлари орқали хона ичиде даволаш имконини туғдиради. Гап шундаки, қиш ойларида инсон организми иммунитетни пасайтириб, тананинг витаминлар ва қуёш нурига бўлган талаби ортади. Махсус мослама орқали уй шароитида қуёш нурлари ҳосил қилиниб, баданнинг барча қисми озуқавий энергия қувватига эга бўлади.

Даволашнинг илғор технологияси марказнинг пульмонология бўлимида татбиқ этилди. Шунингдек, бошқа шифохоналарда ҳам ундан фойдаланилмоқда.

ЎЗБЕК ОЛИМИГА ЭҲТИРОМ

Мана бир неча йилдирки, «XX асрнинг буюк инсонлари» номи билан нуфузли китоб чоп этиб келинмоқда.

Англиянинг Кембриж университети томонидан босмага тайёрланаётган бу нашрнинг навбатдаги жилдида таникли ўзбек шифокор олими, академик Тўлқун Искандаров номи ҳам киритилди.

Олимнинг «Иссиқ иқлим шароитида пахтачиликда қўлланиладиган пестицидларнинг гигиеник жиҳатдан ишлатилиши ва унинг токсикологияси» деган йирик монографияси бутунжаҳон тиббиёт жамоатчилиги томонидан тан олинди. Айни вақтда толмас тадқиқотчи «XX асрнинг буюк инсонлари» деб номланган халқаро медал билан тақдирланди.

Республика санитария-гигиена ва касб касалликлари институти раҳбари янглиғ академик яна қатор йирик тадқиқотлар устида самарали изланишлар олиб бормоқда. Унинг илмий раҳбарлигида ёзилаётган докторлик диссертацияларида ҳам тиббиётнинг муҳим йўналишлари ўз талқинини топмоқда.

Акбар АЛИЕВ



Юрагингизни эҳтиёт қилинг!

ЮРАК-ТОМИР УРИШИ МАРОМИ

Авалло, юрак ритми (мароми) қандай пайдо бўлишини аниқлаб олайлик. У юрак синус тугуни ёки ҳайдовчисидан юзага келадиган импульсларга боғлиқ. Бу гуруҳ ҳужайралари юқори вена қон томири этагининг ўнг юракка томири биллашадиган ерда жойлашган бўлиб, бошқа ҳужайраларга тарқаладиган ритмик импульсларни яратди. Одатда синус тугуни бир дақиқада 60 — 100 марта тезликдаги импульсларни юзага келтиради. Юракнинг нормал тезлиги "118,5 — (инсон ёшининг 0,57 қисми)" формуласи билан ҳисобланади, — дея ҳикоя қилади тиббиёт фанлари номзоди М.Миршарипов.

Юракнинг бир хил вақт оралиғида қисқариши жуда муҳим аҳамиятга эга. Оралик вақтининг бузилиши ё юрак қисқариши (систола) даврининг ёки юракнинг бўшашиш (диастола) даврининг қисқаришига олиб келади. Бундай ҳолатда

юрак дам олмай, ёмон ишлайди.

Юрак қисқариш ритми қонга тушадиган гормонлар, яъни эндокрин тизими ва вегетатив асаб тизими иши билан тартибга солиб турилади. Ички ва ҳужайралар ташқарисидида электротиллар концентрациясининг фарқи, шунингдек, уларнинг кўчиб юриши, юракнинг электр импульсини вужудга келтиради.

Юрак қисқариши ритмининг бузилиши:

- тезлашиш (тахикардия);
- секинлашиш;
- ортиқча қисқаришларнинг пайдо бўлиши (экстрасистолия);
- ритмининг тўлиқ бузилиши (тебранма аритмия) кўринишларида намоён бўлади.

Юракнинг қисқариш ритми нимага бузилади? Бу ҳақдаги суҳбатимиз давомида "Файзли оқшомлар"нинг келгуси саҳифасида ўқийсиз.

Санъат оламида

РАҚОБАТ ИККИ КАРРА ОШДИ

Америка киноакадемияси энг яхши фильм учун "Оскар" мукофоти номинантлари сонини икки баравар оширишга қарор қилди. Яъни рақобатчилар сони икки бараварга кўпайиб, эндиликда ўн та кинолента иштирок этиши мумкин бўлади. Академия матбуот хабариди шундай дейилади.

"Олтимиш йилдан кўпроқ вақт ўтганидан кейин Академия ўз илдизларига — яъни энг яхши фильм номини олиш учун кинофильмларнинг янада кенгрок доираси кураш олиб борган даврларга қайтди", — матбуот хабариди киноакадемия президенти Сид Гэниснинг шу сўзлари келтирилган. Кино санъати соҳасидида энг нуфузли совринни кўлга киритиш учун ўн та иштирокчи сўнгги бор 1943 йили ўзаро рақобатлашмишди. Ушанда "Оскар"га афсонавий "Касабланка" киноасари сазовор бўлган.

"Натижа аввалгидай — яъни битта голиб бўлади. Лекин марра сари пойгада 2009 йилдан бошлаб бешта эмас, ўн та фильм иштирок этади", — дея қайд этди Гэнис. Унинг айтишича, асосий соврин учун курашдаги иштирокчи фильмлар сонининг кўпайтирилиши ҳужжатли фильмлар, хорижий тиллардаги фильмлар ва анимацион фильмларга ҳам голиблик учун имконият беради.

БОКСЧИ — АКТЁР

Микки Руркнинг боксчилик фаолияти актёрликдагидай узоқ ва муваффақият-

ли кечмаган бўлса-да, ўзининг шахсан эътирофига кўра, бокс ҳаётида чуқур из қолдирган. У профессионал рингга саккиз бор кўтарилиб, олтиасида (тўрттасида нокаут билан) ғалаба қозонган. Икки учрашув дуранг натижа билан якунланган. Албатта, бу ҳайратланарли рекорд натижа эмас. Лекин у 38 ёшида боксда дебютини бошлаганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ёмон кўрсаткич эмаслиги аниқ.

Машҳур актёр бўла туриб, у нега айнан профессионал бокс билан шуғулланишга аҳд қилган? Ҳеч қандай негепегаси йўқ. "Ёшинг қирққа борганда спортнинг қайси тури билан шуғулланишинг мумкин? Балиқ ови биланми?" — деганди ўшанда Руркнинг ўзи. Билишимизча, бу гапиди у бир оз муғамбирлик қилган: унинг бу қарори тасодифий бўлмаган бўлса керак.

Микки ҳамиша ёмон одатлари билан донг чиқариб келганди. Ўзининг эътироф этишича ҳам бокс билан у ўз жаҳолати ва қаҳр-ғазабини ичидан чиқариб ташлаш учунгина шуғулланган. Унга бу қанчалик ёрдам бергани маълум эмаску, лекин 1994 йили боксдан кетаркан, у чинакамига актёрликка қайтганди.

ЭЙНШТЕЙН СУРАТИ 74 МИНГ ДОЛЛАРГА СОТИЛДИ

Олимнинг ўзи имзо чеккан ва Альберт Эйнштейн тилини кўрсатиб тушган сурат ўтган ҳафтада Американинг Нью-Гемпшир шаҳрида 74 минг доллардан ортиқ-

роқ нарҳда сотилди. RRAuction.com аукцион ташкилотчиларидан бири — Бобби Ливингстоннинг таъкидлашича, ушбу машҳур фотосурат Эйнштейннинг 72 ёши нишонланаётган пайтда 1951 йили олинганди.

Олим шунга ўхшаш 9 та сурат олдиран экан. Ўтган аукционда сотилган фотосуратни Эйнштейн журналист Говард Кей Смитга совға қилган. Имзоси остига ёзган хотира сўзларида Эйнштейн унинг суратдаги масҳарабоз кўриниши бутун инсониятга қаратилганини маълум қилган.

ВИДОЛАШУВ КОНЦЕРТИНИ ЎТКАЗОЛМАДИ

Поп-музыка қироли номи билан машҳур бўлган америкалик кўшиқчи Майкл Жексон тўсатдан вафот этган. У ўзининг Англия бўйлаб видолашув турини ўтказишга атиги икки ҳафта қолган бир пайтда ҳаётдан кўз юмди. Мутахассислар ва журналистларнинг маълум фикрига кўра, Майкл Жексон музыка тарихида катта шухрат қозонган санъаткорлардан бири бўлиб, "музыка қироли" унвонига сазовор бўлганди. Унинг Thriller альбому барча даврлар ва халқлар орасида энг оммавий альбом сифатида Гиннес рекордлар китобига киритилган эди.

Майкл ўн уч бор "Грэмми" мукофоти сазовор бўлган, шунча марта у Америка чартлари рўйхатининг рингчи каторидан жой олганди. Сўнгги, видолашув концерт турида Лондоннинг O2 Агента саҳнасида у 50 та концерт бериши мўлжалланган бўлиб, унга чипталар йилнинг бошидаёқ сотиб бўлинганди.


Энг шов-шувли хабар

АТЛАНТИДА ЧЎКИБ КЕТМАГАН!

Италиялик тадқиқотчи-олим шундай шов-шувли баёнот билан чиқди. Унинг даъво қилишича, афсонавий Атлантида ороли чўкиб кетмаган бўлиб, у ҳозирда Фарбий Африканинг Сьерра-Леоне давлатидан унча узоқ бўлмаган ерда жойлашган. Сиена университетида археолог Марчелло Коши (Marcello Cosci) ANSA матбуот агентлигига берган интервьюсида баён қилишича, у уч йил мобай-

нида йўлдошлар ёрдамида Шербро (Sherbro) оролини кузатган. Тадқиқотчи олимнинг таъкидлашича, оролнинг барча физик тавсифлари Атлантиданнинг тасвирланган хусусиятларига мос келади. Коши Шербро афсонавий Атлантида давлати ва Атлантида оролларининг қисий тавсифларини ифода-ланган китобни чоп эттирган. Унда муаллиф уларнинг ҳар иккаласи бир орол эканлигини

тасдиқлайди. Атлантида илк бор грек файласуфи Афлотун йилномаларида тахминан 427 — 347 йилларда тилга олинган. У, юксак тараққий этган цивилизациялардан бири аҳолиси яшаган орол табиий офат туфайли сув остида қолиб кетган, деб ёзганди. Бироқ, оролнинг мавжудлигини тасдиқловчи бирон-бир илмий далил ҳанузгача топилмаган.



Спорт оламида

ЭНГ ЯХШИ 50 ҲУЖУМЧИ РЎЙХАТИ ТУЗИЛДИ

Тўпсурашларнинг бозор баҳоси, уларнинг ўртача натижалари ҳамда Bild немис журнали етакчи шарҳловчилари фикрларини ҳисобга олган ҳолда жаҳоннинг энг яхши ҳужумчи чарм тўп усталари рўйхати тузилди.

Журналда қайд этилишича, аргентиналик Лионель Мессиси, камерунлик Самуэль Это'О ва испаниялик Давид Вилья ҳозирги замон футболнинг энг яхши ҳужумчи тўпсурашлари сифатида эътироф этилганлар. Англиянинг "Тоттенхэм" жамоаси ҳужумчиси Вагнер Лав 18-ўриндан жой олган.

КАРЛО АНЧЕЛЛОТИ «ЧЕЛСИ»ГА КЕЛАДИ

"Милан" жамоасининг ҳозирги мураббийси келгуси мавсумдан бошлаб "Челси"га мураббийлик қилади. Англия матбуотининг хабар қилишича, Роман Абрамович ва Анчеллотти ҳамма нарсани ўзаро келишиб олишганига анча бўлган.

Мавжуд хабарларга қараганда, 52 ёшли мураббийнинг хизматлари клуб эгаси Абрамовичга мавсум давомида тахминан 5,8 миллион фунт стерлингга тушади. Улар ўртасида уч йиллик битим амал қилади.

"Челси" раҳбарияти янги мураббий Карло Анчеллоттига 4 нафар янги ўйинчини сотиб олишга дастлаб 50 миллион фунт стерлинг сарфлашга ваъда қилганди. Ҳозирда Абрамович трансфер бозори жазабасига тушиб қолганиданми, ҳар қалай, бу рақамни икки баравар оширишга тайёр эканини билдирмоқда.

The News of the World нинг ёзишича, Анчеллоттининг ўзи тарбиялаган "Милан"нинг 19 яшар ҳужумчисининг ўзигагина "Челси" 50 миллион фунт таклиф этмоқчи. "Манчестер сити"нинг 19 яшар ҳужумчиси Старижга келсак, ёш тўпсураш билан битимга эришилган. Анчеллоттининг ўзи жамоада яна бир қанча машҳур футболчиларни кўриш истагида эканини билдирган. Улар орасида "Миддлсборо" дарвозабони Росс Тернбулл ҳам бор.


БОКС ТАРИХИДА ЭНГ ЎТКИР НОКАУТЧИ

Профессионал бокс соҳасида энг нуфузли ташкилотлардан бири — Бутунжаҳон боксёрлик кенгаши (WBC) украиналик Виталий Кличконинг тарихда энг ўткир нокаутчи боксчи сифатида эътироф этди. Профессионал рингдаги фаолияти давомида Кличко 37 ҳафта рингга чиқиб, 36 тасида нокаут билан голиб бўлган.

У ғалабага эришган жанглардаги нокаутлар улуши 97,2 фоизни ташкил этади, дейилади WBCнинг матбуот хабариди. Виталий Кличко WBC йўналиши бўйича оғир вазнда жаҳон чемпиони унвонига эга. Сўнгги жангда у расмий даъвогарни Хуан Карлос Гомес устидан техник нокаут билан ғалаба қозонди. Бутунжаҳон боксёрлик кенгаши матбуот хабариди, вазн тоифасидан қатъи назар, Кличконинг ҳозирги замоннинг энг яхши боксчиси деб аташ мумкин дейилади, деб ёзган Lenta.ru.

Немис Гильо Хоффман очколар бўйича Виталийдан мағлуб бўлган ягона боксчи ҳисобланади. Кличко — Хоффман жанги 2000 йили бўлиб ўтганди. Ушанда барча ҳакамлар 12 раунд натижаси бўйича ғалабани бир овоздан украиналик спортчиға беришганди.

Виталий Кличко ўйланган, оилали, унинг рафиқаси Наталья Егорова собиқ фотомодель. Боксчининг уч фарзанди — ўғиллари Егор ва Максим қизи Елизавета-Виктория бор.



Биз билмаган жумбоқлар
АЛЛАҚАНДАЙ НАРСА ОЙНИ ЎЗЛАШТИРМОҚДА

Ишонса бўладиган ва шубҳадан холи экспертлардан бири — собиқ NASA директори Кристофер Крафтдир. "Аполлон-11"нинг Ойга ташрифи вақтида у Ҳьюстонда амалга оширилган магнит тасмасига туширилган ёзувни тақдим этган.

Астронавтлар — Нэйл Армстронг ва Базз Олдринг Ойдан Ерга шундай хабарни йўллашган: "Булар улкан нарсалар... Йўқ, йўқ, йўқ... Булар оптик сароб эмас. Бунга шак-шубҳа йўқ".

Парвоз бошқаруви (Ҳьюстондаги марказ): "Нима... нима... нима? У ерда нима жин урпаги сизларни? Нима бўлди?"

Астронавтлар: "Улар шу ерда — тепалик ортида".

Парвоз бошқаруви: "Улар нима экан ўзи?... (Алоқа узилиб турарди). Алоқа маркази "Аполлон-11"ни алоқага чорлайди".

Астронавтлар: «Биз бир неча "мехмон"ни кўрдик. Улар ўша ерда бир оз вақт бўлиб, ускуналарни текширишди".

Парвоз бошқаруви: "Сўнгги хабарингизни такрорланг".

Астронавтлар: "Уларни текшириб кўришга имкон беринг, 5 га 635... автоматик реле уланди... Кўларим шундай қаттиқ қалтираяптики, ҳеч нарса қилолмаяпман. Уларни суратга олайликми? Худойим-ей, агар бу ланьати камералар бирор нарсани ололса... унда нима бўлади?"

Парвоз бошқаруви: "Бирор нарсани суратга тушира оласизларми?"

Астронавтлар: "Кўлимда бошқа плёнка қолмади. "Тарелка" ёки яна бошқа нима ҳам дейишарди — ундан уч марта отишгандан кейин плёнка ишдан чиқди".

Парвоз бошқаруви: "Назоратни тикланг! Улар олдингиздами? НУЖдан қандайдир шовқинлар эшитилляптими?"

Астронавтлар: "Улар шу ерга қўниши-

КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ ЮЗ ЁШДА

www.mirnov.ru интернет сайти хабарига кўра, илм аҳли аёлларнинг энг мушкул юмушларидан бири бўлган кир ювиш муаммосини ҳал этиш устида беш қотириб келишган. Ҳатто улуғ немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте ҳам бу борада кучини синая кўрган экан. Унинг қўлёзмалари орасида кир ювадиган ускунанинг батафсил тавсифи қайд этилган қозғоқ ҳам топилган.

1851 йили америкалик Жеймс Кинг пастак ёғоч идиш ичида айланадиган барабанли кир ювиш машинаси патентини олишга муваффақ бўлган. Ундан кейин эса, бошқа бир америкалик Мур исмили киши ўз ихтироси патентини олган. Ёғоч яшиқ ичида ричаг билан ҳаракатга келтириладиган шарчалар кийим-кечак кирини "дўппослаб" чиқарарди. 1900 йили немис конструктори Карл Миле мойжувоз асосида илк кир ювиш машинасини яратди.

1910 йилда эса, АКШ да Алва Фишер ҳақиқий электр кир ювиш машинасини ихтиро қилди. Утган асрнинг 30-йилларидан бошлаб кир ювиш машиналари бутун дунё бўйлаб тарқала бошлаган.

Қийқим ҳангомалар

НОН ВА МУСАЛЛАС

Марҳум шоир Азиз Абдуразоқ ижодидан

Бу воқеани Ғайратий домла ҳикоя қилиб берган эдилар:

Уруш йилларида кўпгина рус шоирлари ва адиллари билан бир қаторда Владимир Луговский ҳам Тошкентда яшаган экан.

— Биз қўшни эдик, — деб ҳикоя қилган эдилар домла. — Эрталаб кўчага чиқиб, дўкандан ўз тегишимиз — 300 граммдан нон олиб, ярмини, бир юз эллик грамм нонни

жамоа ҳўжалиги дўконига берар эдик. Дўкончи бизга ярим литрдан — икки банка мусаллас берар эди. Уни ичиб, юз эллик граммдан нон еб, уй-уйимизга кириб кетардик. Бир кечаю бир кундузги озиқ-овқатимиз асосан шундан иборат эди.

Ҳа, инсоннинг бошига нималар тушмади... Ўтмишга боқиб, албатта бутунги дориломон кунларга шукр қилиб яшаймиш керак.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

Кўргазмалар

ТАДБИРКОРЛАР ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА

«Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмасининг «Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси Республика маркази»да Хитой Халқ Республикаси Синцзян тадбиркорлари маҳсулотларининг кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Мазкур тадбир Урумчи шаҳри ҳоқимияти, Хитой давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси қошидаги савдо дирекцияси, Хитой халқаро савдони ривожлантириш бўйича қурилиш ишлаб чиқариш кўмитасининг Синцзян филиали, СУАР миллий ишлар кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ташкил этилди.

Уч кун давомида кўргазмада синцзянлик тадбиркорларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, трансформаторлар, кабеллар, ёриткичлар, ёқил, ўчириш мосламалари, асбестли черепица ҳамда ёшиллар намойишга қўйилган бўлиб, ушбу экспозициялар таш-

риф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, ҳовлидан жой олган экскаватор, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш машиналари, нефть ҳамда минерал маҳсулотлар, қурилиш материаллари, тиббиёт ускуналари, озиқ-овқат товарлари тадбиркор ва ишбилармонлар эътиборини тортмоқда. Улар орасида «ZARAPXAN TEA CO LTD», «Сан-Бао», «Нигар», «Боц-

зюнь», «СДК» савдо-саноат компанияларининг стендлари алоҳида ажралиб турибди. — 12 йилдан буён фаолият юритаётган бўлсам, — дейди «Алмирасавдо» компанияси директори Алмира Нурохун, — янгиликка ўчман, изланиш, ўрганишдан чарчамайман. Юртнингизга қизиқишим жуда кучли эди, мен Россия, Қозоғистон, Қирғизистон дав-

латларида кўп бор бўлганман, Ўзбекистонга биринчи ташрифим. Очк чехра, гўзал, мулоим табассумли тошкентликларга мафтун бўлдим. Кўргазма доирасидаги семинарларда иш тажрибаларимиз билан алмашиш истагимиздан.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа. Ҳақимжон Солиҳов олган сурат



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

ЛУҚМОНИ ҲАКИМНИНГ ЖАВОБЛАРИ

- Одамларнинг доноси ким?
- Ҳаёт ташвишларидан дилтанг бўлмагани.
- Баланд ҳимматлик кимдир?
- У дунё неъматларини бу дунё неъматларидан устун қўйган киши.
- Одамларнинг қудратлиси ким?
- Ақли қоним бўлгани.
- Ул қандай оловки, ўз ёқувчисини куйдиради?
- Ҳасад.
- Ул қайси бинодирки, ҳеч хароб бўлмас?
- Адолат.
- Ул қандай аччиқликки, охири ширин бўлур?
- Сабр.
- Ул қандай ширинликки, охири аччиқ бўлур?
- Тезлик.
- Ул қандай беморликки табиблар унинг муолажасидан ожиздир?
- Аҳмоқлик.

ОТА ЎГИТИ

Луқмони ҳақим ўз ўғлига деди: — Эй ўғлим, қилган хатоларингни ўлгингча кўз ўнгингча тут! Аммо қилган яхшилиқларингни кўз олдингдан нари қил!

ДОНОЛИК ЙЎЛИ

Луқмони ҳақимнинг олдиға бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишади. Ундан ҳикматга оид нарсалардан сўрашди. Шунда келганлардан бири:

- Эй ҳақим, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? — деб сўраб қолди.
- Ҳа, ўша чўпонман, — деб жавоб берди Луқмон, — ҳозир кўриб турибсанки, ҳақимман.
- Бу даражага қандай эришдинг? — деб сўради у.

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ УНГА:

— Тўғри сўзлашдан, одамларга яхшилиқ қилишдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, ёлгон сўзламасликдан, беҳуда гапирмасликдан, мусибат ва қийинчиликларга мардона чидашдан, ўзини барчадан кам олишдан! — деб жавоб берди.

САБОҚ

Луқмони ҳақимни бир киши ўзининг қочиб кетган кули гумон қилиб, тугиб олибди ва иморат қурдириш учун лойға солибди. Иморат битганда қочок кул топилиб, ҳақиқат аён бўлибди. Шунда у киши Луқмондан ке-чирим сўраган экан. Луқмон унга: — Авваламбор, мен кечирдим деганим билан бир йиллик эзилганимни ҳеч қачон эсдан чиқара олмайман. Иккинчидан, бу бир йил мен учун бекор кетгани йўқ, менинг ҳам қулим бор эди, унга энг оғир ишларни буюрар эдим. Энди ундай қилмайман, — деган экан.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

1991 йил 5 январда Охунбобоев номидаги республика тиббиёт билим юрти томонидан Мухамедова Гулчехра Абдуқадировна номига берилган НТ-1 № 263255 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2005 йил 27 апрелда Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 1 А-уй манзили кўрсатилган дорихона шохобчасига берилган лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Педиатрия илмий-тектириш институти жамоаси шифокор Д.Н.Мўминовага турмуш ўртоғи Ҳамид МЎМИНОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Педиатрия илмий-тектириш институти жамоаси шифокор Д.Х.Нигмановага турмуш ўртоғи Абдулла САДУЛЛАХОДЖАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ҲАР ТЎҒРИДА

- Россия аҳолисининг 85 фоизи лотерея ўйинларида иштирок этади. Шулардан 50 фоизи чипталарни вақти-вақти билан сотиб олишса, 30 фоизи бир ойда бир марта. 15 фоизи ҳафтада бир марта харид қилади ва ўз омадини синиб кўради.
- Қадимги вақтларда денгизчилар оғизларидан бир донга тилла тиш бўлишига ҳаракат қилишган. Нима учун дейсизми? Аникроғи уни қора кунларига асраб қўйишган экан. Ёруғ дунё билан хайрлашганида жасадни уйдан узоқ бўлган ерда қўйишлари ва қийналмасликлари учун шундай қилишган.
- Британиядаги Букингем саройида 600 та хона мавжуд.
- Биринчи баланд пошнали оёқ кийимлардан бирини мўғул эркаклари кийишган. От миниб вақтида оёқлар сирғалмаслиги учун шундай қилинган экан.
- Америка астронавтининг бўйи камида бир метру тўқсон етти сантиметр бўлиши керак. Бу НАСАнинг сўнгги талабидир.
- Алясканинг байроғини 13 ёшли болакай яратган.
- Ҳарбий честь бермоқ (ҳарбийчасига саломлашмоқ) ҳеч қайси мамлакатда чап қўлда берилмайди.
- Англия кутубхоналарида кўп ҳолларда Гиннесснинг рекордлар китобини ўғирлашар экан.
- Хиндистонда битла деб номланган дарахт бор. Бу дарахтга машхур гуруҳнинг қандай аҳамияти борлиги, битлачилар бу ерда бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Лекин бу дарахт жуда катта ҳажмда бўлиб, унинг атрофи доимо одамлар билан гавжум. Бу ерга турли касалликларга чалинганлар, бефарзандлар, қандайдир орзуларига етишишни истовчилар ташриф буюрадлар. Бу ерга нафақат Хиндистондан, балки қўшни мамлакатлардан ҳам одамлар келадилар. Одамларнинг битла дарахтига интилишларидан маълумки, кўпчилик ўзи интиланган нарсасига эришган бўлсалар керак. Йўқса бу дарахт бунчалар муқаддас ҳисобланмасди.
- Инсоният тарихида пул алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам пуллар тарихи ўзига хос, уларни турли муомала қийматларида ва турли нарсалардан тайёрланганлигини ҳамма ҳам билвермас керак. Маълумки, 1799 — 1867 йилларда Аляскада Россия-Америка компанияси фаолият кўрсатган. Ўша даврларда ишчиларга маош ўтлаш мақсадида чарм пуллар муомалага чиқарилган. Бу пуллар 1, 2, 5, 10, 20 сўмлик банкнотлардан иборат бўлиб, 10 минг нухсада толень терисига чоп этилган. Кейин эса янги пуллар чиқарила бошлади, бу пуллар дағал териларга чоп этилган бўлиб, 10, 25, 50 тийинлик тери тангалар эди. Кейинчалик янги пуллар муомалага чиқарилган бўлишига қарамадан тери пуллар ва тангалар 1857 йилга қадар, яъни Аляска Америка Қўшма Штатларида сотиб юборилгунча муомалада бўлган.

Аъзам АБДУЛЛАЕВ тайёрлаган

Мамлакат XVIII миллий чемпионатининг профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 14-тур беллашуварларида пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган «Локомотив» яна очко йўқотди.

«ЛОКОМОТИВ» ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Тошкентда «Бухоро» жамоаси билан куч синашган «Локомотив» кутилмаганда устунликни меҳмонларга бериб қўйди ва 90 дақиқа бухоролик чарм тўп усталарининг хавфли ҳужумлари, чиройли комбинациялари остида кечган беллашув 1:3 ҳисобида меҳмонларнинг ғалабаси билан яқунланди.

Аввалги турда Хоразмда «Хоразм» жамоаси билан 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани

қайд этган «Пахтакор» жамоаси футболчилари бу сафар медаллар учун астойдил курашаётган «Олмалик» командасини 4:1 ҳисобида мағлуб этишди ва муҳим очколарни қўлга киритишди. Дарвозаларга голлари «Пахтакор»дан Андреев, Аҳмедов, Каримов, Гейнрих, «Олмалик»дан Ҳамидуллаев йўллашди.

Чемпионликка астойдил даъвогарлик қилаётган «Бунёдкор» эса сафарда «Метал-

лург» жамоасини 4:0 ҳисобида осонлик билан мағлуб этди. Мухлислар шу кунни Ривалдо (3 та), Солиев томонидан дарвозага киритилган чиройли голларнинг гувоҳи бўлишди. Қолган учрашувлар қуйидагича яқунланди: «Шўртан» — «Анджон» — 1:1, «Насаф» — «Хоразм» — 0:1, «Навбахор» — «Машъал» — 2:1, «Сўғдиёна» — «Нефтчи» — 0:3, «Динамо» — «Қизилқум» — 3:0.

(Ўз мухбиримиз)

Футбол

ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Маълумки, 2010 йилда футбол бўйича аёллар ўртасида Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли турнирнинг иккинчи саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этишни режалаштирган Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзолари ўқув-йиғин машғулотларини ўтказиш мақсадида Вьетнамга жўнаб кетишди.

Вьетнамда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказган аёллар терма жамоамиз Осиё чемпионатининг саралаш турнирида иштирок этиш учун Таиланд пойтахти Бангкокка етиб боришади ва учинчи гуруҳда Таиланд, Эрон терма жамоаларига қарши майдонга тушишади.

Шу кунгача китанинг энг кучли терма жамоалари ҳисобланган Хитой, Япония, ҚХДР, Австралия, Жанубий Кореяга 2010 йилги Осиё чемпионатида тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқи берилган.

«01»

ҚУРИЛИШ ВАГОНЛАРИНИ ЁНГИНДАН САҚЛАНГ

Қурилиш масканларида ёнгинлар асосан қўрилийш вагонларида ёдбир бўлибди. Бу ёнгинларнинг асосий сабаблари: қўлбола электр иситкич анжомларидан фойдаланиш ва уларни қаровисиз қолдириш, сигарета чекиш ва унинг қолдиқларини дуч келган жойга ташлаш, вақтинча электр симларидан фойдаланиш, уларнинг қисқа туташуви оқибатида келиб чиқмоқда. Ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир мансабдор шахс ва ишчи-ҳодимлар томонидан қуйидаги ёнгиннинг олдини олиш кўрсатмаларини бажаришни тақлиф этилади:

- электр чирокларининг шиша плафонидан очик ҳолда фойдаланилма-син;
- электр печкалар ҳимоя қатламида кийим ва ботинкалар қуритилма-син;

- вагонда газ билан ёнғил ёнувчи буюмлар сақланмасин;
- қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланиш тақиқланади;
- қурилиш вагонларида тамаки чекиш тақиқланади;
- электр тармоғи сақлагичга қўлбола симлар ўрнатилмасин;
- қурилиш вагони ва ёнувчи буюмлар олдида очик олов ёқишга йўл қўйилмасин;
- кислород баллонлар, бўёқлар, карбитлар, тахта материаллари бирга сақланмасин;
- қурилиш вагонларидан чиқа кета туриб электр тармоқлари ўчирилсин;
- қурилиш майдонларида болаларнинг ўйнаб юришига йўл қўйилма-син;
- қурилиш вагонининг тахта деворларига электр улагичлар ўрнати-

- лишига йўл қўйилмасин;
- носоз электр симлар ва анжомларидан фойдаланилма-син;
- очик олов ёқишга йўл қўйилма-син;
- ҳар бир қурилиш вагони биттадан ОП-5, 0,5 м³ яшиқда қум, 2 та болта, 2 та лом, 2 та багор, 2 та коцели челақ, 200-250 литрли бочкада сув билан таъминлансин.
- Ёнгиннинг олдини олиш ишларини назорат қилиб туриш қурилиш участка бошлиғи ва қурилиш прорабига юклатилади.
- Ёнгин содир бўлганда «01» телефон рақами орқали манзилни тўғри ва аниқ айтиб дарҳол хабар беришни унутманг.

У.ҲАСАНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
муҳандиси, кичик сержант

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда 2009 йил 11 август кунни соат 11:00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд икромчилари бўлими томонидан, ЖИБ Сергели тумани судининг 13.04.2009 йилдаги 5-2/1161-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 48238-сонли харбий қисмининг божхона омонидида сақланаётган қўйилмоқда: 1. «Мерседес Бенц-609» русумли, д/р 10AS944 бўлган, 2000 йилда и/ч, тез ёрдам автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 21 090 000 сўм. 2. «Мерседес Бенц-609» ДКА русумли, д/р 10AW154 бўлган, 1990 йилда и/ч, тез ёрдам автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 690 000 сўм. 3. «Мерседес Бенц-609» ДКА русумли, д/р 10AW725 бўлган, 1991 йилда и/ч, тез ёрдам автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 14 740 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд икромчилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 06.04.2009 йилдаги 10-0907/5306-Б-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ҳамза тумани «Сабзор» жарима майдонинида сақланаётган, «Ниссия» русумли, д/р 10AAS86 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 10 065 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Сергели тумани суд икромчилари бўлими томонидан, ЖИБ Чилонзор тумани судининг 13.01.2009 йилдаги қарорига асосан хатланган, Сергели тумани «143-сонли автобаза» худудидagi жарима майдонинида сақланаётган, «BA3-2106» русумли, д/р 11C7000 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 5 135 715 сўм.

Шунингдек 2009 йил 28 июл кунни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Сергели тумани суд икромчилари бўлими томонидан тақдоран, ЖИБ Чилонзор тумани судининг 18.06.2008 йилдаги қарорига асосан хатланган, Сергели тумани «143-сонли автобаза» худудидagi жарима майдонинида сақланаётган, «BA3-2106» русумли, д/р 11C7000 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 178 634 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан туман суд икромчилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатда ижро ҳужжати рақами ва савдосини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банк» Саёгон филиали қўйилган ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: ИПР: 20210000300571452114.МФО: 01036. ИИН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбобов кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.frbm.uz

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2009 йил 1 июлдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди, аҳоли томонидан маийий эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергияси нархи 64 сўм 80 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 32 сўм 40 тийин белгиланди.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари ОАЖ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2857 нухсада босилди. Қўғоз бичими А-2



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарк» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

156 89